

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХИМГАЗИЕВ УМИД ГАЗИВАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимгазиев Умид Газиваевич	3
Болаларда ювенил ревматоид артритнинг клиник-патогенетик жихатлари.....	
Рахимгазиев Умид Газиваевич	
Клинико-патогенетические аспекты ювенильного ревматоидного артрита у детей.....	19
Rakhimgaziev Umid Gazivaevich	
Clinical and pathogenetic aspects of juvenile rheumatoid arthritis	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works	39

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХИМГАЗИЕВ УМИД ГАЗИВАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib56 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот - таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шамансурова Эльмира Амануллаевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобомурадов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (____ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ювенил ревматоид артрити (ЮРА) замонавий педиатрия ва ревматологиянинг ечими топилмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «ЮРА дунёда болалар ҳаёт сифати пасайиши, юқори даражадаги ногиронлик, жамият ва оилага сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарар келтирадиган касалликдир»¹. Сўнги йилларда «ЮРАнинг турли мамлакатларда тарқалганлиги 0,05% дан 0,6% гача кўрсаткични ташкил этади ва йилига ҳар 100000 болага 2 дан 19 гача касалланиш ҳолати тўғри келади»². Болалар ревматологик касалликлар ичида ЮРА олдинги ўринлардан бирини эгаллайди ва касалликнинг биринчи беш йиллигида 50% ортиқ болалар ва ўсмирлар меҳнатга лаёқатлилигини йўқотадилар.

Жаҳон миқёсида, болалар касалликлари, жумладан ювенил ревматоид артритни келиб чиқиш сабаблари, унинг кечиши ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада аҳоли орасида ювенил ревматоид артритларни барвақт ташхислаш; учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш; беморларда умумий ва маҳаллий ўсишга таъсир этувчи турли омилларни аниқлаш; болаларда ювенил ревматоид артрит шакли ва кечиши вариантыга боғлиқ гормонал ҳолат хусусиятларини аниқлаш; болаларда суяк-мускул тизимининг структура-функционал ва минерал алмашинуви кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш; ЮРАни эрта ташхислаш ва кечишини прогноз лашнинг алгоритминини ишлаб чиқиш; амбулатория ва стационар шароитида сифатли даволаш ва реабилитация тизимини ишлаб чиқиш; асоратларини камайтириш, касаллик профилактикасига тизимли ёндашиш, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш илмий тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида терапевтик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича маълум натижалар олинди. Шу билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча муаммолар мавжуд. Бу борада ҳаракат аъзолари, айниқса бўғим касалликларини аниқлаш ва олдини олиш муҳимдир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада

¹ Underweight and stunting, in: World health statistics 2010, Geneva, World Health Organization, 2010. <http://www.int/healthinfo/statistics>.

² Elhai M, Bazeli R, Freire V. Radiological peripheral involvement in a cohort of patients with polyarticular juvenile idiopathic arthritis at adulthood. J Rheumatol. 2013 Apr;40(4):520-7.

амалга ошириш»³ вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болаларда ювенил ревматоид ташхислаш ва даволашнинг турли усулларини такомиллаштириш, айниқса улардан кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2650-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалар ва ўсмирларда ЮРАнинг турли жиҳатлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, касалликнинг этиологияси, патогенези, шунингдек, ташхислаш масалалари тадқиқотчи ва амалиётчи шифокорлар диққат-эътиборидаги мавзу бўлиб қолмоқда (Hashkes PJ., 2013; Hilderson D, Euckmans L., 2012). ЮРАнинг сабаблари ва оқибатлари, шунингдек клиник ташхиснинг тўғри белгиланиши катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, натижада, беморларнинг ушбу контингентини даволаш тактикаси ва чора-тадбирларини белгилайди (Horneff G., 2013; Узунова А.Н., Аксёнов А.В., 2012).

ЮРА кўп омилли касаллик бўлиб, унинг патогенези жуда мураккаб ва кўп ҳолларда етарлича ўрганилмаган. Замонавий нуқтаи назарларга кўра, ревматоид артритда патологик жараёнларни ривожлантирувчи асосий бўғинлардан бири иммун тизимнинг дисфункциясидир. Маълумки, иммунитет организмнинг гомеостаз бошқарувида меъёрда ҳам, турли патологик ҳолатлардаги асосий мослашув бўғинлари сифатида ҳам етакчи роль ўйнайди (Алимов А.В. ва бошқ., 2016; Anink J. et al., 2012).

Сўнги йилларда, хориж нашрларида касалликнинг юқори муддатларидаги ЮРА натижаларининг айрим параметрлари ҳақида маълумотлар (жумладан, саломатлилик ҳолати, функционал ҳолат, фаоллик, ремиссиянинг мавжудлиги, рентгенологик ўзгаришлар) келтирилган, бироқ кўплаб муаллифларнинг маълумотлари бир-бирига зид, бу масалага оид маҳаллий тадқиқотлар эса кам. Бундан ташқари, ЮРА натижаларига

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

бағишланган тадқиқотларда беморларнинг умумий жисмоний ривожланиши, касалликнинг экстраартикуляр кўриниши, узоқ йиллар сурункали яллиғланган бўғим касалликларига чалинган беморлардаги рентгенологик ўзгаришлар борасидаги маълумотлар тарқоқ, болалар ва ўсмирлар, катта ёшлиларда ЮРАнинг узоқ муддат кечишининг аниқ тавсифи мавжуд эмас (Скударнов Е.В., 2011; Bertilsson L. et al., 2013).

Касаллик фаоллигини баҳолаш, болаларда касалликнинг кучайишида полиартикуляр ва тизимли ЮРА юзага келишининг патогенетик механизмининг босқичларини, шунингдек организмнинг моддалар алмашуви механизмининг миқдорий ҳолатини аниқлаш, касалликларини камайтириш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш масалалари педиатриянинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02090011 «Она, ҳомила, болалар ва ўсмирлар касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактик усулларини ишлаб чиқиш» (2011-2016 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болалар ювенил ревматоид артритининг клиник кечишини замонавий хусусиятларини аниқлаш ва ушбу касалликнинг турли вариантларида прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар ювенил ревматоид артритининг турли шакллари ва вариантлари клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

ЮРА бўлган беморлар умумий ва локал ўсишига таъсир қилувчи турли омилларни баҳолаш;

болалар ювенил ревматоид артритининг турли шакли ва вариантлари клиник кечишида гормонал ҳолат хусусиятларини аниқлаш;

болалар минераллар алмашинуви кўрсаткичлари ва суяк-мускул тизими структура-функционал ҳолатини баҳолаш;

ЮРАни эрта ташхислаш ва кечишини прогнозлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри клиникалари болалар кардиоревматологияси бўлимларида даволанган 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 315 нафар ЮРА синдромли ва 34 нафар амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар вена қони зардоби гормонал ва минерал алмашинув тадқиқотлари учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник (анамнез маълумотлари, объектив ҳолати ва касалликнинг кечиш динамикаси), функционал (ЭхоКГ, ЭКГ), инструментал (суяк тизими рентгенографияси, денситометрия), клиник-биокимёвий, гормонал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритнинг замонавий клиник кечишини патологик жараённинг персистив ва прогрессивлигига мойиллиги остида суст кечиши

билан тавсифланиши исботланган;

беморлар бўй ўлчамининг ортда қолиши ЮРАнинг клиник вариантлари, хусусан тизимли варианты билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги кузатилган;

суяк метаболизмининг гипокальциемия, гиперкальциурия, гиперфосфатемия, гипомагниемия, остеокальцин даражасини пасайиши, жисмоний ривожланишнинг ортда қолиши кўринишларидаги остеопоротик бузилишлари ЮРАнинг полиартикуляр ва тизимли вариантларида нисбатан чуқурроқ тус олиши исботланган;

суяк тўқимасининг структура-функционал бузилишлари болаларда ЮРАнинг тизимли вариантыда полиартикуляр ва олигоартикуляр вариантларига нисбатан икки карра кўпроқ корреляцион аниқлиги исботланган;

ЮРА билан касалланган болаларда тиреоид статуснинг десинхронизацияси касалликнинг шакли ва давомийлигига ўзаро ишонарли даражада боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮРА билан касалланган болалар суяк тўқимаси структура-функционал ҳолатини таклиф этилган усулда баҳолаш асосида ЮРА оқибатларини прогнозлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Ювенил ревматоид артрит бўлган болаларнинг жисмоний ривожланишдан ортда қолиши тўғридан-тўғри касаллик кечишининг клиник варианты ва оғирлиги билан узвий боғлилиги аниқланган;

қалқонсимон без гормонлари фаоллигининг бузилиши касалликнинг шакли, фаоллиги ва давомийлиги билан боғлиқлиги исботланган;

касаллик натижаларини ва даволаш чора-тадбирлар ҳажмини ўз вақтида аниқлашга имкон берувчи ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, болаларда ювенил ревматоид артритнинг клиник шакллари ва мазкур болаларнинг жисмоний ривожланиши ўртасида боғлиқлик аниқ кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижалари ювенил артритнинг ривожланиши ва кечишида гормонал ва минерал алмашинув ҳолатлари бузилиши, унинг тавсифланган вариантлари патологиянинг узлуксиз давоми эканлигини асосланиши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади. АЦЦП кўрсаткичлари касалликнинг оғирлиги ҳамда салбий

прогноз шаклланишида индикатор бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги исботланган ва эрта агрессив даво буюриш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ЮРА билан касалланган болаларнинг жисмоний ривожланишдан ортда қолиши антропометрик аниқлаш, болалар гормонал тизимининг функционал фаоллиги ҳамда суяк тўқимаси структура-функционал ҳолатини таклиф этилган усулда баҳолаш ЮРА оқибатларини прогнозлаш имконини яратади. ЮРА оқибатлари эҳтимоллигини аниқлашда келтирилган прогнозлаш коэффициентлари ўз вақтида адекват даволаш усулини танлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ювенил ревматоид артритнинг клиник-патогенетик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда гормонал ҳолат ва минераллар алмашинуви асосидаги ювенил ревматоид артритнинг турли клиник шакллларини ташхислаш усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 8н-р/22-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болаларда ушбу касалликни ташхислаш аниқлигини ошириб, ҳар бир беморда бўғим ўзгаришларини адекват ва анча самарали даволаш схемасини қўллаш имконини яратган;

«Болаларда ювенил ревматоид артритни эрта ташхислаш ва унинг кечишини прогнозлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 8н-р/22-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма маълумотлари болаларда ушбу касалликда бўғим ўзгаришларини прогнозлашга хизмат қилган;

болаларда ювенил ревматоид артритнинг ташхислаш ва прогнозлаш принциплари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Қашқадарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 8н-р/22-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ювенил ревматоид артрит билан касалланган болаларда ташхислаш ва прогнозлашнинг янги услубларни қўллаш орқали эрта ташхислашни 1,6 мартага оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ювенил ревматоид артритнинг асосий клиник-патогенетик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Маҳаллий ва хорижий адабиётларидаги муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Ушбу патологиянинг тиббий-ижтимоий жиҳатлари акс эттирилган, болаларда ювенил ревматоид артритнинг айрим патогенетик хусусиятлари тасвирланган. Асосий эътибор ювенил ревматоид артритнинг дифференциациявий даволаш тамойилларига қаратилган.

Диссертациянинг «**Ювенил ревматоид артритли беморлар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган икинчи бобида 3 ёшдан 16 ёшгача ЮРА бўлган 315 нафар текширилган болаларнинг умумий тавсифи келтирилган. Назорат гуруҳини худди шу ёшдаги 34 та мутлак соғлом болалар ташкил этади. Жинсга қараб тақсимлашга мос равишда, ЮРА бўлган болалар ўртасида ўғил ва қиз болаларнинг ўзаро нисбати (49,4 ва 50,6%) деярли бир хил.

ЮРАни эрта ташхислашнинг етарлича аниқ мезонларига қарамай, кузатилаётган беморларда касалликни ташхислашга учта ҳолатда бир йилдан ошиқроқ вақт ҳаракат қилдик ва фақат 49 та (15,6%) беморда ташхис ўз вақтида белгиланди.

Жисмоний ривожланишнинг баҳоси антропометрик кўрсаткичлар – узунлик ва тана вазнига асосан ўтказилди. Барча болаларда ўсиш тезлигининг кўрсаткичлари (см/йил), шунингдек, трансформациялаштирилган ўсиш тезлигининг ушбу хронологик ёш ва жинс учун ўртача аҳоли сонидан ортиши даражасини тавсифловчи стандарт оғишма (SDS) кўрсаткичлари ҳам ҳисобланди.

Болаларнинг жисмоний вояга етишини комплекс баҳолаш учун суяк ёши (КВ)ни белгилаш билан билан бўғимлари ва қўл қафти рентгенографияси маълумотларига кўра скелетнинг ўсиш даражаси таҳлил қилинди. Скелетнинг дифференцировкаси (КВ) Грейлих ва Пайл, шунингдек, Вайтхауз ва Таннер томонидан ишлаб чиқилган меъёр бўйича баҳоланди. Шунингдек, суяк ёши Садофьев бўйича шикастланмаган тирсак бўғимлари рентгенограммаси маълумотларига кўра баҳоланди.

Барча бемор болаларни текширишда умумклиник тадқиқот методидан ташқари, эндокрин бузилишлар кўрсаткичлари (ТТГ, Т3, Т4) қўлланди.

Суяк-мускул тўқималарининг структуравий-функционал хоссаларини ўрганишда остеоденситометрия ва биокимёвий таҳлил усуллари

фойдаландик.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ўзгарувчан статистика усули ёрдамида олиб борилди. Фарқлар ишончилигини Стъюдент (t) мезони асосида хатолар эҳтимоллигини (P) ҳисоблаш билан меъёрий тақсимланиш ва асосий дисперсия тенглигини текширишда (F – Фишер мезони) баҳоланди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) усулларида фойдаланиб ўтказилди.

Диссертациянинг «**Болалар ювенил ревматоид артрити турли вариантларининг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида болалардаги ЮРАнинг клиник ва антропометрик тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган.

Наслий оғир ҳолат ЮРА бўлган кўп – 52,4% (165) болаларда кузатилди. Она томондан наслий мойиллик 57,0% (94) болада, ота томондан 43,0% (71) болада белгиланди. Ҳомиладорлик вақтида она организмига тератоген омиллар таъсирида вирусли инфекциялар туфайли ЮРАга мойиллик билан туғилишнинг юқори эҳтимоллигини ҳисобга олиб, текширилаётган болаларнинг оналарида ҳомиладорлик даврини таҳлиллашга қизиқиш уйғонди. ЮРА билан касалланган болалар оналарининг ярмида (29 – 50,9%) ҳомиладорлик тушиш хавфи билан ўтган. 3 та (5,3%) она ҳомиладорликнинг III уч ойлигида ОРВИга чалинишган. 11 та (19,3%) онада жинсий соҳада касаллик аниқланди. 12 та (21,05%) она ҳомиладорлик даврида гормонал воситалар қабул қилишган. Текширилаётган бемор болаларнинг ярмидан кўпи сунъий озиклантирилган (65 – 52,4%).

Болалар инфекцияси орасида энг кўп сувчечак кузатилди (71 – 57,2%); ҳар бешта бола қизилча билан касалланган - 25 (20,1%). Бунда болалар деярли ОРВИ билан касалланмаган, шамоллаш касалликлари билан (8 - 6,4%) ва ичак инфекцияси (5 - 4,0%) билан даволанган. Аллергик ҳолатлар ЮРАнинг энг кўп йўлдоши сифатида етарлича (72 – 58,06%) болаларнинг ярмидан кўпида аллергия касаллигининг айрим турлари аниқланди. Сигир сутини кўтара олмаслик 15 та (12,09%) болада белгиланди.

Текширилаётган беморларнинг мутлақо кўпчилигига 3 ойдан ва ундан кўпроқ муддатда давом этаётган артрит, эркин ҳаракатлана олмаслик, 3 ой олдин ёки кечроқ пайдо бўлган иккинчи бўғим артрити, майда бўғимларнинг симметрик шикастланиши, бўғим бўшлиқларидаги йиринг каби мезонлар хос бўлган. Шикастланган бўғимда оғриқ, шиш, деформация ва ҳаракат чегараланиши кузатилди. Кўп ҳолларда йирик ва ўрта бўғимлар - тизза, оёқ тирсақлари, биллак, тирсақ, сон-тос шикастланган.

Рентгенологик жиҳатдан Штейнброккер бўйича II даража устунлиги белгиланди. Бу вариантнинг ўткир даражада бошланиши бошқаларга қараганда кўпроқ биллак, панжа бармоқ суяги ва бармоқлараро бўғимлар жараёнларида кузатилди.

Касаллик фаллигининг биринчи даражаси 4 тадан ошиқ бўғимлар шикастланган, СОЭнинг минимал кўрсаткичлари соатига 20 мм\сгача, СРБ меъёрий миқдорда бўлган 161 та (51,1%) беморда; иккинчи даража

артритнинг интермит кўринишида ва СОЭ кўрсаткичи 40 мм/с, чегараланган миқдорда СРБ ошган 120 нафар (38,1%) болада, учинчи даража артритнинг тизимли бошланиши мавжудлигида, шишган ва касалланган бўғимлар сони жуда юқори, бир соатдан ошиқроқ вақтгача ҳаракатлана олмаслик ва юқори гуморал фаоллик – СРБнинг юқори кўрсаткичи ва/ёки мусбат РФ, СОЭ соатига > 40 мм / с бўлган 34 та (10,8%) беморда белгиланди.

Бундан ташқари, DAS4 ёрдамида ревматоид жараён фаоллигини баҳолашда: 1-даража фаоллик $DAS4 < 2,4$ бирлик кўрсаткичида баҳоланди; 2-даража фаоллик $2,4 < DAS4 < 3,7$ бирлик оралиқдаги кўрсаткичларга хос бўлган; 3-даража фаоллик - $DAS4 > 3,7$ бирликда белгиланди. Гуруҳлардаги DAS4нинг ўртача кўрсаткичи тахминан белгиланган чегаралар билан мос бўлган (1-жадвал).

1-жадвал.

Текширилаётган беморларда DAS4 индекси ёрдамида ревматоид жараёни фаоллиги кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Фаолликнинг 1-даражаси	Фаолликнинг 2-даражаси	Фаолликнинг 3-даражаси
DAS4	1,83±0,02 1,37 -2,29	3,09±0,1 2,48-3,7	4,12±0,2 3,71-4,54

DAS4 кўрсаткичларининг гуруҳлар ичидаги таҳлили минимал фаоллик бўлган беморлар гуруҳида параметрлар сезиларли ўзгармади ёки кўп болаларда пасайишга мойиллик бўлган, 2-даража белгиланган беморларда 59,3% ҳолатда DAS4 ошгани, 40,6% ҳолатда айрим пасайишлар ёки параметрларда ўзгаришларнинг йўқлигини кўрсатди. Фаолликнинг 3-даражаси белгиланган беморларда 44,4% ҳолатда DAS4 сезиларли ошгани билан параллел равишда фаоллик ошгани (СОЭ 46дан 50 мм/сгача (48,5±2,6 мм/с), СРБ- 6 мг/%дан 36 мг/% гача (19,8±4,5 мг/%) ва полиартрит бўлган беморлар сони ошгани билан кузатилди. 55,6% ҳолатда DAS4 кўрсаткичи сезиларли ўзгармади ёки сезилмас пасайишга мойил бўлишган.

Ремиссия муддатлари таҳлили, 82,1% беморларнинг мутлақо кўпчилигида ремиссиянинг ўртача давомийлиги 4 ойни ташкил этганини, бунда касалликнинг фаоллашган даражасига боғлиқлик аниқланганини кўрсатди. Бу олиб борилган терапиянинг тўлиқ клиник-лабораториявий ремиссияга олиб келмаслигини, натижада касалликнинг тез-тез қайталаниши ва ривожланиши кузатилишини кўрсатади. Шундай қилиб, клиник вариантлар ва ювенил ревматоид артритнинг таҳлили касаллик кечишининг агрессив ва ривожланиш хусусиятини кўрсатди, бу касалликнинг замонавий ёш эволюциясини акс эттиради ва ушбу касалликни даволашнинг самарали усуллари топиш зарурлигини кўрсатади.

170 нафар болада ўртача ўсишдан стандарт (SDS) оғишма кўрсаткичларига трансформацияланган антропометрик маълумотлар натижаларига кўра беморлар 2 гуруҳга бўлинди: SDS -2 ва камроқ кўрсаткичлар билан 67 та бола (20 та ўғил ва 47 та қиз) биринчи гуруҳни ташкил этди, яъни гуруҳдаги болаларда ўсиш кўрсаткичлари меъёр

чегарасидан паст бўлган. Иккинчи гуруҳни ўсиш кўрсаткичи 2 SDS дан ортган 103 нафар (28 та ўғил бола ва 75 та қизлар) бемор ташкил этди, яъни ўсиш ушбу жинс ва ёш учун меъёр чегараларини ошиб ўтган. Гарчи жисмоний ривожланишдан орқада қолган болалар 1-гуруҳда $5,5 \pm 3,3$ ёш иккинчи гуруҳда $4,3 \pm 2,6$ ёшга қарши эрта ёшда касалланган бўлишса-да, гуруҳлар ўртасида жинс таркибида фарқ белгиланмади. Касалликнинг ўртача давомийлигида барча гуруҳларда $78,3 \pm 2,8$ ой (24дан 160 ойгача) ташкил этганда, ўртача давомийлик 1-гуруҳда ($84,3 \pm 4,5$ ой.) иккинчи гуруҳга қараганда ($72,33 \pm 3$ ой) ишончли юқори бўлган. 1-гуруҳда ЮРАнинг тизимли варианты билан касалланган беморлар сони кўп бўлган ($p < 0,01$), шу билан бирга 2-гуруҳда ЮРАнинг олигоартикуляр варианты билан касалланган болалар кўп бўлган ($p < 0,05$).

Текширилаётган гуруҳларда SDS ўсиш кўрсаткичларини таҳлиллада биринчи гуруҳда уларнинг иккинчи гуруҳга нисбатан сезиларли камлиги белгиланди, ушбу қонунийлик ЮРАнинг барча шакллари учун ҳаққоний бўлган (2-жадвал).

Болаларнинг 2 йил давомида босқичма-босқич кузатувдаги ўсиш тезлигини баҳолашда биринчи гуруҳда унинг иккинчи гуруҳга нисбатан ишончли паст бўлгани белгиланди ($2,83 \pm 1,81$ см/йилига ва $5,18 \pm 2,34$ см/йилига мос равишда $p < 0,05$).


Шу билан бирга, иккала гуруҳда ҳам болалар сўнгги кузатув йилида ўсишнинг нормал тезлигида бўлишган (SDS ўсиш тезлигининг стандарт оғишган коэффиценти 2 мартага ортди), шунингдек паст ўсиш тезлигида ҳам (SDS ўсиш тезлиги тенг бўлган ёки 2 марта паст).

2-жадвал.

Текширилаётган гуруҳларда ЮРАнинг турли шаклларида SDS ўсиш кўрсаткичи

ЮРА варианты	I группа	II группа	Ишончлилик
Тизимли	$-3,56 \pm 1,49$	$-0,2 \pm 1,19$	$< 0,001$
Полиартикуляр	$-2,61 \pm 1,35$	$-0,1 \pm 1,1$	$< 0,001$
Олигоартикуляр	$-1,63 \pm 0,10$	$0,3 \pm 1,1$	$< 0,001$
Танлаш бўйича	$-2,95 \pm 1,52$	$-0,08 \pm 0,1$	$< 0,001$

Биринчи гуруҳда паст ва нормал ўсиш тезлиги деярли бир хил болалар сонидан белгиланди, шунда иккинчи гуруҳда кўпчилик болалар ўсишнинг нормал тезлигига эга бўлишган (1-расм).



1-расм. SDS ўсиш тезлигининг кўрсаткичи

ЮРА бўлган беморларда суяк ёшини (КЁ) баҳолаш биринчи гуруҳда хронологик жиҳатдан 2 йилга ва кўпроқ КЁ орқада қолган болалар сони (61.2%) иккинчи гуруҳга нисбатан (20,3%) ишончли кўп бўлганини ($p < 0,01$) кўрсатди. Биринчи гуруҳда 32 та (47,6%) болада КЁнинг орқада қолиши 4 йилдан юқори бўлган. Иккинчи гуруҳда бундай кескин орқада қолиш ҳеч қайси болада белгиланмади ($p < 0,01$).

Шундай қилиб, ЮРА бўлган 170 нафар беморда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари 40% болада ўсишнинг бузилишини кўрсатди, улардан 17%ида - 4 SDS ўсиш сезиларли паст, 23% ида эса – мўътадил (SDS ўсиш -2дан -4 SDSгача).

Диссертациянинг «Болалар ювенил ревматоид артрити кечишининг турли шаклларида гормонал ҳолат ва минераллар алмашинуви хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида ЮРА бўлган болаларда гормонал статус ва минераллар алмашинувининг биокимёвий маълумотлари таҳлил қилинган.

ЮРА бўлган болаларда гипофизар-тиреоид тизим гормонлари миқдорини тадқиқ қилиш ТТГ миқдорининг $1,5 \pm 0,06$ мМЕ/лгача ишончли пасайганини ($p < 0,05$), Т4 кўрсаткичи $91,9 \pm 2,57$ нмоль/лгача ошганини аниқлади ($p < 0,001$), бу соғлом болаларга нисбатан деярли 2 марта юқори (3-жадвал) ва Т3 миқдорининг $2,53 \pm 0,13$ нмоль/лгача ошгани аниқланди ($p > 0,05$).

3-жадвал.

ЮРА бўлган беморларда касаллик шакли, фаоллиги ва давомийлигига боғлиқ тиреоид гормонлар кўрсаткичлари

		ТТГ, мМЕ/л	Т ₃ , нмоль/л	Т ₄ х10, нмоль/л
1.	Назорат	$1,96 \pm 0,08$	$1,93 \pm 0,07$	$5,71 \pm 0,4$
2	Бўғим шакли	$1,45 \pm 0,08^*$	$2,43 \pm 0,09^*$	$10,3 \pm 0,3^*$
3	Полиартикуляр	$1,52 \pm 0,04^*$	$2,34 \pm 0,1^*$	$11,2 \pm 0,3^*$
4	Олигоартикуляр	$1,57 \pm 0,09^*$	$2,53 \pm 0,02^*$	$8,7 \pm 0,9^*$
5	Ремиссия	$1,36 \pm 0,07^*$	$2,75 \pm 0,08^*$	$12,1 \pm 0,5^*$
6	Паст фаоллик	$1,42 \pm 0,05^*$	$2,58 \pm 0,1^*$	$10,8 \pm 0,4^*$
7	Ўргача фаоллик	$1,7 \pm 0,09^*$	$2,44 \pm 0,1^*$	$8,2 \pm 0,3^*$
8	1-3 йил	$1,47 \pm 0,07^*$	$3,51 \pm 0,15^*$	$10,3 \pm 0,7^*$
9	3-6 йил	$1,43 \pm 0,03^*$	$2,68 \pm 0,1^*$	$9,1 \pm 0,4^*$
10	6 йилдан кўпроқ	$1,59 \pm 0,09^*$	$1,47 \pm 0,09^*$	$9,7 \pm 0,6^*$
11	Паст бўйли болалар	$1,38 \pm 0,08^*$	$2,62 \pm 0,07^*$	$11,9 \pm 0,4^*$

Изоҳ: * - ишончилилик назорат гуруҳи билан таққослашдаги фарқда.

Касалликнинг клиник шаклларига боғлиқ гормонлар кўрсаткичларини таҳлил қилишда ТТГ концентрациясининг ЮРАнинг тизимли вариантыда янада кўпроқ пасайиши билан камайгани, Т4 миқдорининг бўғим-висцерал шаклда юқори кўрсаткичлар билан ишончли ошгани белгиланди. Бунда Т3 миқдори бўғим шаклида бир мунча юқори бўлган. Бу маълумотлар кўпроқ акс этган гормонлар секрецияси ўзгаришлари касалликнинг тизимли оғир вариантыда кузатилганини кўрсатди. Энг паст ТТГ миқдори касаллик давомийлиги 3 йилдан 6 йилгача бўлган болаларда аниқланди. Т3 ва Т4

миқдори соғлом болаларга нисбатан юқори бўлса-да, касаллик олдиндан давом этаётганлигининг ошиши унинг пасайишга мойиллигини кўрсатади. Болаларда паст ўсишдаги минерал ҳолатнинг кўрсаткичларини ўрганишда SDS ўсиш кўрсаткичларининг қон зардобида Са, Р ва Mg кўрсаткичи миқдори билан ва Р экспрессиянинг сийдик билан ўзаро муносабатини белгилади (4-жадвал).

4-жадвал.

SDS ўсишга боғлиқ минерал алмашинуви бузилишининг кўрсаткичлари (M±m)

Гуруҳлар	Қонда			Сийдикда	
	Са, ммоль/л	Р, ммоль/л	Mg, ммоль/л	Са, ммоль/л	Р, ммоль/л
< SDS -2	2,29±0,02	1,1±0,07	0,66±0,04	2,84±0,1	12,5±0,2
> SDS -2	2,48±0,04*	1,34±0,03*	0,81±0,05*	2,41±0,2*	17,4±0,7*

Изоҳ: Р – ишончилилик кўрсаткичлар фарқига кўра: *- p < 0,05

Полиартикуляр ва олигоартикуляр шаклларда қон зардобининг фосфор ўртача кўрсаткичларининг камайгани ва кальцийнинг пешоб билан кунлик экспрессиясининг ошгани белгиланди (p < 0,05). Шундай қилиб, бўғим шаклида умумий кальций миқдори 2,33±0,05 ва 2,34±0,06 ммоль/л, ноорганик фосфор — 1,22±0,06 и 1,21±0,07 ммоль/л ни ташкил этди; Полиартикуляр ва олигоартикуляр шаклларда шаклларда - 2,30±0,02 ммоль/л, 1,17±0,09 ммоль/л ни мос равишда ташкил этди, бу суяк резорбцияси жараёнининг тезлашганини кўрсатди.

ЮРАнинг тез ривожланиб кечишида касалликнинг секин ривожланиб кечишига қараганда қон зардобида Са, Mg нинг паст миқдори, пешобда Са миқдорининг ошиши белгиланди. Яллиғланиш жараёни фаоллигининг ошишида қон зардобида Са (p < 0,01) ва Mg (p < 0,05) миқдорининг камайгани, бир вақтнинг ўзиде Са экспрессиясининг пешобда ошгани белгиланди (p < 0,05) ва Р (p < 0,05).

ЮРА бўлган 36 та беморда суяк-мускул тизимининг структуравий-функционал ҳолати ўрганилди. ЮРА бўлган беморларда ультра товушли денситометриянинг асосий кўрсаткичларини қиёслаб таҳлил қилишда КГ билан таққослаганда барча кўрсаткичларнинг ишончли пасайгани аниқланди. (p < 0,001) (5-жадвал).

5-жадвал.

Суяк тўқималари структура-функционал ҳолати тавсифи

Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар	Айнан ёшдаги соғлом болалар n=20	ЮРА бўлган беморлар n=36	ишончилилик, Р.
Зичлик индекси (ИП, %)	91,23±0,94	72,08±0,83	< 0,001
Ультратовушнинг кенг чизиқли сустлашуви (ШОУ, дБ/МГц)	98,66±0,84	82,14±0,6	< 0,001
Ультратовуш тезлигининг тарқалиши (СРУ, м/с)	1582,12±1,07	1538±1,46	< 0,001

Изоҳ: Р – ишончилилик ЮРА назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичлари фарқига кўра

Бунда ИП КТ кўрсаткичлари 21 та (15,0%) ЮРА бўлган беморларда ёш меъёри оралиғида бўлган; КГ дан паст кўрсаткичлар 119та (85,0%) болада (улардан 51 таси (82,3%) ўғил бола ва 68 таси (87,2%) қизлар), ИП КТ кўрсаткичларининг меъёрдан юқорилиги аниқланмади. ЮРА бўлган беморларнинг кўпчилигида СФС КТнинг остеопения шаклида бузилиши – 66 та (47,1%) ва остеопороз – 53 нафар (37,9%) текширилаётганларда устун бўлган. СФС КТнинг остеопороз шаклида бузилиши қизлар гуруҳида 1,5 марта кўпроқ қайд этилди.

ИП КТ индексининг SD нисбатан 2,5 мартадан кўпроқ пасайиши 17 та (42,5%) касалликнинг 6 йилдан бери давом этаётган гуруҳдаги болаларда белгиланди; 13 та (33,3%) бемор – касаллик 4 йилдан 6 йилгача давом этаётганида; 19 та (31,1%) касаллик 3 йилгача давом этган беморларда белгиланди, бу остеопорознинг мавжудлигини кўрсатди.

Услубий тавсия натижаларининг самарадорлигини баҳолаш ва жорий этиш учун болаларда ЮРА пайдо бўлишини эрта ташхислаш усуллари ва гормонал кўрсаткичлар, минераллар алмашинуви ва суяк-мускул тизимининг структуравий-функционал ҳолати асосида унинг кечишини прогнозлаш тақдим этилди (6-жадвал).

6-жадвал

Болаларда ЮРА эрта пайдо бўлишини ташхислаш ва кечишини башоратлаш жадвали

Кўрсаткичлар	1 балл	2 балл	3 балл
Денситометрия (Z-критерии)	<1 SD	1-2,5 SD	2,5 SD<
Са, ммоль/л	>2,5	2,34-2,30	2,30<
Р, ммоль/л	>1,48	1,21-1,17	1,17<
Мg, ммоль/л	>0,85	0,81-0,76	<0,76
ТТГ, мМЕ/л	>1,96	1,97-1,7	<1,7
Т ₃ , нмоль/л	>1,93	1,94-2,44	<2,44
Т ₄ , нмоль/л	<5,7	5,8-8,2	>8,3

Бемор ҳолатини ушбу жадвалда келтирилганлар бўйича баҳолаш балларни умумийлаштириш ва умумий кўрсаткични чиқариш билан яқунланади. Олинган кўрсаткичлар бошланғич кўрсаткичлар шкаласи ва касаллик шаклига кўра таққосланади ҳамда ремиссия босқичини прогнозлайди.

Агар бола 7-9 балл тўпласа – ЮРА бўғим шаклининг ремиссия босқичидаги паст фаоллиги; 10-14 балл – ЮРА бўғим шаклининг ўртача фаоллигида ремиссия босқичида суяк тўқималарининг структуравий-функционал ҳолатининг бузилиши (остеопения) белгиланади; 15-21 балл – касалликнинг юқори фаоллиги, полиартикуляр ва олигоартикуляр шакллари, суяк тўқималарининг структуравий-функционал ҳолатининг бузилиши (остеопороз), гипофизар-тиреоид тизимда бузилиш белгиланди.

Тақдим этилган ЮРАнинг эрта пайдо бўлиши диагностика жадвалининг сезувчанлик ва ўзига хослигини баҳолашда ва унинг кечишини прогнозлашда ушбу усулнинг сезувчанлиги 92%ни мос равишда, ўзига хослик – 94%,

умумий аниқлик – 95%ни мос равишда ташкил этди.

Диссертациянинг «Ювенил ревматоид артрит натижасини башоратлаш» деб номланган бешинчи бобида ЮРА натижаси эҳтимоллигини белгилаш учун Вальд таҳлили натижаси асосида тузилган, прогностик коэффициентлар келтирилган, ҳар бир белги (+) ёки (-) белги билан ўзининг миқдорий ўлчамига эга. Хулосани белгилаш учун қабул қилинган бошланғич миқдор (95% эҳтимоллик билан) ± 13 га тенг. У алгебра йўли билан ҳар бир жадвалда келтирилган белгиларнинг прогностик коэффициентларини қўшиш билан олинади (8-жадвал).

Асосий шарт сифатида прогнозлашда ЮРА бўлган бемор баъзи стандарт шароитда бўлиши, ҳозирги вақтда касалликни даволашга ишлатиладиган дори-дармонларни қабул қилиши ва ҳоказолар, бундан ташқари аниқроғи, кўпинча прогноз хатосига тегишли бўлган ё яхши томонга ё ёмон томонга оғиш кабилар белгиланади. Тақдим этилган жадвалда тахминан 5% прогноз хатоси режалаштирилган. Прогнознинг реаллик билан фарқи иккита сабабга боғлиқ бўлади. Биринчидан, прогнозлаш вақтида ҳамма таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинмайди; иккинчидан, бола саломатлигига кейинчалик қўшилиб кетадиган омиллар таъсир кўрсатади, шунинг учун прогнозни белгилашда ҳисобга олинмаган.

8-жадвал

ЮРА натижаларини белгилаш учун прогностик коэффициентлар

	Салбий прогноз	ПК	Ижобий прогноз	ПК
1	Экссудацияли бўғимлар сони учтадан кўп	-2,5	Экссудация бўғимлар сони учтадан кам	+1,5
2	Касалланган бўғимлар сони бештадан кўп	-2,0	Касалланган бўғимлар сони бештадан кам	+2,0
3	Ричи индекси 10тадан кўп	-3,0	Ричи индекси 10тадан кам	+2,5
4	Эрта босқичда яра мавжудлиги	-3,5	Эрта босқичда яра йўқлиги	+3,0
4	Фаол бўғимлар сони 10 тадан кам	-3,5	Фаол бўғимлар сони 10 тадан кўп	+2,0
5	DAS4 индекси > 3,5	-4,0	DAS4 индекси <3,5	+3,0
6	СОЭ 30 мм/с дан кўпроқ	-3,0	СОЭ 30 мм/с дан камроқ	+2,5
7	СРБ миқдори 24 мг/%дан кўп	-2,5	СРБ миқдори 24 мг/% дан кам	+2,0
8	АЦЦП кўрсаткичларининг ошиши >30,0 Ед/мл	-4,5	АЦЦП кўрсаткичларининг ошиши <30,0 Ед/мл	+4,2
9	Асосий терапиянинг кеч бошланганлиги	-4,0	Асосий терапия касалликнинг илк пайтидан бошланган	+3,5

Агар шифокор текширишнинг биринчи босқичиданоқ бу омилларни ҳисобга олса ва уларнинг пайдо бўлишини олдиндан кўра олса, прогноз аниқлиги ошади. Умумийлаштирилган прогностик коэффициент шартли бошланғич ўлчамдан кам бўлган ҳолатларда (± 13), олинган натижалар ҳисобга олинishi ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда қўлланиши шарт.

Шундай қилиб, ПК ($\pm 10,0$) баллар жамланмасида (90 % эҳтимоллик даражаси ёки 10 тадан 8 та имконият) прогнозланадиган ходисаларнинг амалга ошишининг жуда юқори эҳтимоли ҳақида гапиришимиз мумкин, ПК

(± 6,0) баллар жамланмасида хавфнинг 4 марта ошганини; ПК (± 3,0-5,5) баллар жамланмасида прогнозланган ҳолатларнинг амалга ошиши мумкинлиги ҳақида гапирамиз.

Прогностик жиҳатдан салбий белгилар: касалликнинг фаоллиги (кўп сонли касалланганлар ва бўғимлар шиши), эрта босқичларда эрозиянинг мавжудлиги, СОЭ ва ёки СРБ миқдорининг, шунингдек АЦЦП кўрсаткичларининг ошиши касаллик ривожлангани ва беморнинг юқори ногиронлик хавфини прогнозлашга асос бўлади. ЮРАда ёмон прогноз, шунингдек, бўғимлар деструкциясини рентгенологик ривожланишини, таянч-ҳаракат аппарати функциясининг қайтарилмас пасайишининг шаклланишини, бўғимларда хирургик операцияларни амалга оширишга бўлган талаб хавфининг ошиши ва беморлар ҳаёти давомийлигининг қисқаришини билдиради. Салбий натижаларни прогнозлаш ўлим кўрсаткичларини кўрсатмай қолмайди, у ўзининг бутун кучини ва замонавий тиббиёт воситаларини бундай натижанинг олдини олишга қаратиши шарт.

Шундай экан, ЮРАнинг салбий натижалари хавфини белгилаш учун прогностик ёндашувларни қўллаш касаллик ривожланиши олдини олишнинг замонавий ва самарали ҳамда даволаш тактикасининг оптимал вариантини танлаш йўли ҳисобланади.

ХУЛОСА

1. Жинсий етилмасдан олдин касалланган 40% беморда кузатилган жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши ЮАнинг энг кўп учрайдиган асорати ҳисобланади. ЮРА бўлган беморларда ўсишнинг бузилишига ёрдам берувчи сабаблар орасида ЮРАнинг патогенетик механизмларига боғлиқ омиллар (касалликнинг фаоллиги назорат қилиб бўлмайдиган клиник тури), ГК терапия ва конституционал-генетик омилларга салбий таъсири тенг аҳамиятга эга;

2. Болаларда суяк тўқималарининг структуравий-функционал параметрларининг ўзгариши, ЮРАнинг полиартикуляр, олигоартикуляр ва бўғим шакллари бўлган беморлар хусусиятларига кўра фарқ қилган, бунда бу ўзгаришларнинг акс этиши касаллик шаклига боғлиқ бўлади;

3. Олинган маълумотлар болалардаги ЮРАнинг турли шакллари суяк тўқималари структуравий-функционал кўрсаткичларни ўрганиш зарурлигини кўрсатади, бу реабилитация чора-тадбирларини олиб бориш самарадорлигини баҳолашга имкон беради;

4. ЮРА бўлган болаларда қалқонсимон без гормонларининг кучайишида пайдо бўладиган эндокрин тизим ишлашида десинхронизация кузатилади, бузилишнинг акс этиши касалликнинг шакли ва давомийлигига боғлиқ;

5. ЮРА синдромли бемор болаларда суяк тўқималари структуравий-функционал параметрларининг ўзгариши турли даражада акс этган остеопароз ёки остеопения шаклида пайдо бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РАХИМГАЗИЕВ УМИД ГАЗИВАЕВИЧ

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ЮВЕНИЛЬНОГО РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА У ДЕТЕЙ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib56.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

- Научный руководитель:** **Шамансурова Эльмира Амануллаевна**
доктор медицинских наук, профессор
- Официальные оппоненты:** **Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович**
доктор медицинских наук, профессор
- Бобомурадов Турдикул Акрамович**
доктор медицинских наук, профессор
- Ведущая организация:** **Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в «__» час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №___), (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 год.
(Протокол рассылки № __ от _____ 2018 года).

А. В. Алимов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хаитов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д. И. Ахмедова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ювенильный ревматоидный артрит (ЮРА) является одной из наиболее актуальных проблем педиатрии и ревматологии. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) ЮРА – это заболевание, которое снижает качество жизни, приводит к высокому уровню инвалидизации и значительным социально-экономическим потерям для общества и семьи¹. По результатам различных исследований распространенность ЮРА в разных странах составляет от 0,05% до 0,6%, а заболеваемость от 2 до 19 случаев в год на 100000 детского населения². Среди ревматологических заболеваний у детей ЮРА занимает одно из первых мест и в 50% случаев приводит к потере трудоспособности в течение первых пяти лет заболевания.

На сегодняшний день в мире основным направлением научных исследований является определение роли патогенетических механизмов в диагностике и лечении детских болезней, в частности ювенильного ревматоидного артрита, а так же роли различных факторов, способствующих нарушению общего и локального роста у больных ЮРА особенностей физического развития ребенка; установление особенности гормонального статуса у детей с ювенильным ревматоидным артритом у детей в зависимости от формы, и вариантов течения заболевания; оценить состояния показателей минерального обмена и структурно-функционального состояния костно-мышечной системы у обследуемых детей; разработать алгоритм для ранней диагностики и прогноза течения ЮРА.

В нашей Республике важную роль играет осуществление комплексной программной деятельности, направленной на раннюю диагностику и сокращение осложнений соматических заболеваний. Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы, для дальнейшего улучшения оказания медицинской помощи населению поставлены важные задачи, направленные на «укрепление здоровья семьи, защиту матери и ребенка, оказание высококвалифицированной технологической медицинской помощи матери и ребенку, внедрение комплексных мер по снижению младенческой и детской смертности»³. Исходя из этого, необходимо поднять на новый уровень качества оказания медицинской помощи населению, создание здоровой среды, снижение распространенности ювенильного ревматоидного артрита и улучшение качества жизни больных, особенно среди детей, разработка оптимальных методов лечения данной патологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики

¹ Underweight and stunting, in: World health statistics 2010, Geneva, World Health Organization, 2010. <http://www.int/healthinfo/statistics>.

² Elhai M, Bazeli R, Freire V. Radiological peripheral involvement in a cohort of patients with polyarticular juvenile idiopathic arthritis at adulthood. J Rheumatol. 2013 Apr;40(4):520-7.

